



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

2018-YIL 24-MART
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@mail.uz

35
(16192)

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

BELLASHUV

“ХУМО”ГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

Самарқанд шаҳрида “Энг намунали сардорлар кенгаши” танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 288 нафар мактаб ўқувчисидан иборат ўн олти жамоа ўзаро беллашди.

Барча иштирокчилар танловга анча жиддий тайёргарлик кўргани биринчи шартданок билиниб турди. Мазкур ҳолат ҳакамлар ҳайъатини ҳатто бироз шошириб ҳам қўйди.

— Мен болалардаги шижоат, бугунги куннинг энг ўткир ижтимоий муаммоларига бефарқ эмаслигини кўриб, ниҳоятда қувондим, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Ж.Норбеков. — Аиниқса, Ургут тумани номидан қатнашган “Бунёдкор ёшлар” жамоаси лоқайдлик иллатини жуда чиройли сахна кўриниши орқали кўрсатиб бера олганига қойил қолмай иложи йўқ.



Бутун зал таъсирланиб кетди-я.

“Бизнинг фаолият” деб номланган дастлабки шартда ўқувчилар “Камалак” болалар ташкилоти сардори сифатида ўз таълим муассасасида амалга оширган ишлар ҳамда режадаги янги

лойиҳалар хусусида бадий чиқишлар орқали маълумот берди. “Хумо” жамоаси (Иштихон тумани) шартга креатив ёндашгани билан алоҳида ажралиб турди. “Бизнинг имкониятларимиз” шартинда иштирокчилардан

сардорлар кенгаши фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб, бирон муаммо ечимига қаратилган ижтимоий лойиҳа ёки ташаббусини тақдим этиш талаб қилинди. Баҳолаш жараёнида лойиҳанинг оригиналиги, пишиқ-пухталиги, амалий

аҳамиятига бирламчи эътибор қаратилди. “Интеллектуал ринг” шarti эса, том маънода, топқирлик синовиға айланди. Бунда сардорлар атиги беш дақиқа ичида ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маданият-маърифий соҳалар, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва “Камалак” болалар ташкилоти фаолиятига онд ўнтадан саволга тезкорлик билан жавоб бериши керак эди. Ушбу беллашувда ҳам иштирокчиларга тенг келадигани топилмади. Якуний ҳулосага кўра, “Хумо” жамоаси 1-ўринга сазовор бўлди. Самарқанд тумани ҳамда Каттақўрғон шаҳри вакиллари ҳам совриндорлар сафидан жой олд. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Малик СИНДОРОВ

АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани 2018 йил 26 март кунини амалий ташриф билан Тошкент шаҳрига келади.

Икки давлат раҳбарлари 27 март кунини “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференцияда иштирок

этади ва сўзга чиқади. Ташриф дастурида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани музокара ўтказиши ҳам кўзда тутилган.

ЎЗА

ESHITDINGIZMI?

Энг бахтли 50 МАМЛАКАТДАН БИРИМИЗ

БМТнинг The World Happiness Report маркази экспертлари шундай ҳулосага келган. Яқинда улар дунёнинг 156 давлати аҳолиси ҳаётини батафсил ўрганиб,

ҳар бирининг “бахт индекси”ни аниқлашга ҳаракат қилди. Бунини қарангки, биз МДХ мамлакатлари орасида биринчимиз. Жаҳон миқёсида эса, бу гал 47-дан 44-поғонага кўтарилди.



МАРТНИНГ ОХИРГИ ЎН КУНЛИГИДА

“Умид ниҳоллари – 2018” спорт мусобақасининг якуний босқичига старт берилди



Финал баҳслари республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтади. Ғолиб ва совриндорларни 14-19 май кунлари тақдирлаш кўзда тутилган.

Умумжамоа ҳисобида 1-уринни эгаллаган туман ёки шаҳар вакиллари Президент совғаси — “Damas” автомобили кўтмоқда.

ЎЗБЕК ПАЛОВИ БИРИНЧИ

Ал-Қувайт шаҳрида ўтказилган Миллий таомлар фестивалида энг тансиқ таомимиз — ош биринчи ўринга сазовор бўлди. Наврўз айёми муносабати билан “Saud Alarfaj-group” компанияси томонидан ташкил қилинган тадбирда мамлакатдаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.



СИРТҚИ БЎЛИМЛАР КЎПАЯДИ



Кейинги ўқув йилидан юртимизда қоракўлчи селекционер ва чул ўсимликлари яйловшуноси мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Абитуриентлар қишлоқ ҳужалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида очиладиган сиртқи бўлимларга қабул қилинади.

ФИНИШ — ЧИМКЕНТ ШАҲРИ

Бугун ҳаваскор велоспортчилар Тошкент ва Чимкент шаҳарлари ўртасидаги 130 километрлик масофани босиб ўтади. Улар Қозғистон Республикасининг юртимиздаги элчихонасидан стартга чиқади.

Эслашиб ўтамиз, мусобақа 2018 йил Қозғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил қилинмоқда.



Ўз ахборотимиз.

МАВЗУ ДОЛЗАРБ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан пойтахтимиздаги ҳарбий қисмда “Ноисломий диний ташкилотлар ва улар олиб бораётган миссионерлик фаолиятининг салбий оқибатлари” мавзусида профиллактик тадбир ўтказилди. Унда Тўқайтепа жоме масжиди имом хатиби Сайдулло Мамадалиев, Давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари, ҳарбий қисм раҳбарияти ва аскар-ингитлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимиз Конституцияси ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани, бу борада кўплаб амалий ишлар қилинаётганини таъкидлади. Миссионерлар қурбонига айланган инсонларнинг аянчли тақдирини хусусида маълумот берилди.

— Юртимиз фуқароларига эътиқод эркинлиги кафолатланган, — дейди Сайдулло Мамадалиев. — Лекин инсонни муайян дин ёки оқимга зўрлаб эргаштириш мумкин эмас. Бунини ҳам, қонун ҳам қаттиқ қоралайди.

Мулоқот сўнгида ҳарбий хизматчилар мавзу юзасидан мутахассисларга саволлар билан муурожаат қилди.

Боборавшан ҒОЗИДИНОВ

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ МАТБУОТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 23 март кунини “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси матбуот маркази иш бошлади.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев, Ўзбекистон Президенти ҳузуридagi Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори В.Норов, Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази директори Э.Орипов, Ташки ишлар вазирлигининг Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича бошқармаси бошлиғи О.Ақбаров, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Абдулмаев Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказиладиган мазкур нуфузли анжуманининг Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаш ва қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнидаги



аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясини ёритишда 300 га яқин маҳаллий ва 20 дан ортиқ хорижий ОАВ вакиллари қатнашади. Улар орасида “The New York Times”, “BBC”, “Jenmin Jibao”, “NHK” каби йирик халқаро ахборот агентликлари, нашрлар ва телеканаллар бор.

Журналистларга қўлайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройида бўладиган конференциянинг асосий тадбирлари матбуот марказига тўғридан-тўғри трансляция қилинади. Бундан ташқари, марказ замонавий компьютерлар, принтерлар ва бошқа кўп функцияли куриималар билан жиҳозланган. Юқори тезликдаги Wi-Fi ва

симли узатиш орқали Интернет тармоғига улашиш имконияти мавжуд.

Матбуот марказининг очилиш маросимида Афғонистон бўйича мутахассис ва экспертлар ушбу мамлакат тарихи, дунё ҳамжамияти билан алоқалари, Ўзбекистон – Афғонистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, сиёсий, иқтисодий, соғлиқни сақлаш, маданият-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасидаги тарихий, маданият ва цивилизациявий яқинлик, Ўзбекистон – Афғонистон муносабатлари: ривожланишининг янги босқичи, Афғонистондаги

можарони тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича халқаро ташаббуслар каби масалаларга бағишланган маърузалар тингланди. — Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларининг Ҳинд океани ва Форс кўрфазини портларига чиқиш имкониятини таъминлайди, ўз навбатида, Жанубий Осиё мамлакатларини Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаши мумкин, — дейди Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази директори Э.Орипов.

— Шу маънода, қўшни юрда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш бўйича миллий ярашув – Афғонистон раҳбарияти ва саяё-ҳаракати билан амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бўлажак конференция қўшни давлатда тинчлик бўлишидан манфаатдор томонлар учун қўлай мулоқот майдони вазифасини ўташига ишонамиз.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири



ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ БЕРИЛАДИ 2



АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ АЙЁМ 3



УЙНИНГИЗГА ҚАЙТИНГ, оналар! 4

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

“НАФОСАТ” ДАН “ОЛТИН ҚЎЛ” ГАЧА

Роҳатой ҚОДИРОВА

Улуғ айём — Наврўз кунларида Хоразм вилояти ёшларининг шодлиги икки ҳисса ошди. Сабаби кўҳна юрт ик бор ёш дизайнерларнинг “Нафосат” республика танловига мезбонлик қилди.

Шу билан бирга, сартарошлик санъати ихлосмандлари Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида иккинчи дафъа ўтказилган “Олтин қўл” ижодий беллашувини томоша қилиш имконига эга бўлди. Бир вақтнинг

ўзида мазкур муассасада “Lola tex” тўқимачилик корхонаси ҳам иш бошлади. Қайда этиш керак, бундай муҳим воқеалар рўйида Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши алоҳида жонбозлик кўрсатган.

Ҳаммаси Иттифоқ қошидаги Ёш дизайнерлар кенгаши раҳбари, юртимизда машҳур “Анор” бренди асосчиси Дилноза Умрзоқованинг кўҳна кенга ташрифидан бошланди. Биринчи

кунлик меҳмон хоразмлик ёш дизайнерлар учун маҳорат дарсини ўтди. Эскизлар яратиш, либос бичими ва матони танлаш, аксессуарлардан фойдаланиш қоидалари, тикиш усуллари жонли мулоқот давомида бирма-

ўтказилдиган кўргазмада иштирок этиш имконини тақдим этди. Учрашув сўнггида Дилноза, шунингдек, апрель ойида Хоразмда “Khiva fashion show” лойиҳасини амалга ошириб, Ёшлар марказида Моделлар мактабини очиб



бир таҳлил қилиб берилди. Дилноза Умрзоқова ёш модельер-дизайнер Лола Бекованинг либослар тўплами билан ҳам танишди. Ҳаммасининг истеъдодини юқори баҳолаб, унга “Анор” ательесига икки ҳафта бепул малака ошириш ҳамда жорий йилда Ҳиндистонда

ташаббуси билан ҳам чиқди. Шундан сўнг, марказда эндигина фаолият бошлаган тикувчилик тўғрисидаги илк машғулотни ўтказилди. Ҳозирда бу ерда 50 нафар қиз соҳа сирларидан хабардор бўлмоқда. “Нафосат” республика танлови доирасидаги

намойишлар кўпчиликлари унутилмас таассурот қолдиргани аниқ. Дарвоқе, юқорида биз исминини тизим олган Лола Бекова танлов совриндорлари сафидан жой олганини алоҳида қайд этишни хоҳлардик.

Наврўз куни Ёшлар марказида “Lola tex” корхонасининг иш бошлагани яна бир қувончли ҳодисадир. Унинг очилиш маросимида иштирок этган Дилноза Умрзоқова фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этди: — Тўқимачилик соҳасида Хоразм анча пешқадам экан. Бу вилоят

ёшларининг шижоатига қўйил қолдим. Кечадан буён қизлар билан мулоқот қиламан. Синчковлиги, билимга ташналиги менга шижоат бағишламоқда. “Lola tex” корхонасидаги шароитларни кўриб, тўғриси, ҳавасим келди. Маза қилиб ишласа бўларкан.

Ҳозирча корхонанинг биринчи навбати ишга тушди. Шу аснода 20 нафар тенгдошимизнинг бандлиги таъминланган. Лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида қўшимча 50 та янги иш ўрнини яратиш режалаштирилмоқда. Ёшлар марказида ташкил этилган “Олтин қўл” сартарошлар танлови меҳмонларнинг

аввалги тадбирлардан олинган таассуротини янада бойитди. Беллашув чинакам истеъдодлар баҳсига айланди десак, муболага бўлмас.

Танловда “Ёш сартарошлар” тўғрисида таълим олган йигит-қизлар ўз маҳоратини намойиш этиб, миллий ва баҳорий соч турмакларини ҳакамлар ҳайъати ҳукмига ҳавола этди. Бир-бирдан гўзал ҳамда мафтункор ижод намуналари кўп сонли мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Яқунда уч нафар голиб аниқланди, Ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти кенгашининг махсус кубоғи, диплом ва медали билан тақдирланди.

“YOSHLAR FESTIVALLARI” G'OLIBLARIGA PREZIDENT SOVG'ASI BERILADI!

“Yoshlar – kelajak bunyodkori!” shiori ostida o'tkaziladigan “Yoshlar festivallari” tadbiri san'atning turli yo'nalishlarini o'zida mujassamlashtirgan keng qamrovli ommaviy tadbir bo'lib, yurtimizning barcha hududlarida O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligi kuniga bag'ishlab o'tkaziladi. Yoshlar festivallari 2018 yildan boshlab an'anaviy tarzda turli yo'nalishlarda

mart-aprel oylari davomida tashkil etiladi.

Asosiy maqsad – yoshlarni san'atga muhabbat ruhida tarbiyalash, ularning dunyoqarashini yanada kengaytirish, yetuk mutaxassislar bo'lib kamol topishlarini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, iste'dodlarini ro'yobga chiqarishga ko'maklashish!

Yoshlar festivallarida umumta'lim maktablari, akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari, oliy ta'lim muassasalari o'quvchi va talabarlari, korxonalar va muassasalarda mehnat qilayotgan yoshlar, harbiy xizmatchilar, mahallalarda istiqomat qiladigan millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishidan qat'iy nazar barcha yoshlar ishtirok etishi mumkin!

“YOSH QO'SHIQ IJROCHILARI” FESTIVALI

30 yoshgacha bo'lgan barcha yoshlar an'anaviy, akademik, baxshichilik va estrada yo'nalishlarida o'z iste'dodini namoyon etadi.

Ishirokchi o'zi tanlagan janrdan ikkita asar ijro etadi.

Nomzodlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishi lozim:

- Festival Tashkiliy qo'mitasiga ariza;

- ishtirokchi haqida ma'lumotnoma va ikki dona fotosurat (3x4);

- pasport nusxasi (yashash manzili bilan);

- ma'lumoti va mutaxassisligiga doir diplom nusxasi (shartli);

- ijro etiladigan 2 ta asar nomi va matni, muallifning ismi-sharif;

- yashash yoki o'qish joyidan ma'lumotnoma.

Talabgor faqat bitta yo'nalish bo'yicha ishtirok etish huquqiga ega.

Festivalda qo'shiqlar faqat jonli ijro etiladi.

Festival g'oliblari Hakamlar hay'ati tomonidan 10 ballik tizimda, quyidagi mezonlar asosida aniqlanadi:

- ijro mahorati va uslubi;

- ovoz imkoniyatlari;

- asar matnining mukammalligi va ta'sirchanligi;

- sahna harakati (artistizm);

- sahna libosi (imidj).

Hakamlar tomonidan berilgan ballar Festival yakunida umumlashtiriladi. Eng yuqori ball to'plagan ishtirokchilarga barcha yo'nalishlar bo'yicha 1-, 2- va 3-o'rinlar beriladi.

Festival yo'nalishlari bo'yicha 1-o'rinni egallagan g'oliblar tegishli Hakamlar hay'ati yig'ilishi bayoni asosida keyingi bosqichda ishtirok etish huquqini qo'lga kiritadi. Yo'nalishlar bo'yicha munosib nomzodlar topilmagan taqdirda, keyingi bosqichga nomzodlar tavsiya etilmasligi mumkin.

Festival g'oliblari va sovrindorlari diplom va esdalik sovg'alari bilan taqdirlanadilar. Respublika bosqichida barcha yo'nalishlar orasida eng yuqori ball to'plagan ishtirokchi oliy o'rin (gran-pri) sohibi hisoblanadi va unga “Prezident sovg'asi” beriladi.

“TALABALAR TEATR STUDIYALARI” FESTIVALI

“Talabalar teatr studiyalari” festivali – Respublikamizning barcha oliy ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan 30 yoshgacha bo'lgan talabalardan iborat jamoalar o'rtasida o'tkaziladi.

Festivalda ishtirok etish uchun nomzodlar tomonidan quyidagi hujjatlar taqdim etishi lozim:

- Festival Tashkiliy qo'mitasiga ariza;

- ishtirokchi jamoa a'zolarining ro'yxati, pasport nusxasi (yashash manzili bilan);

- o'qish joyidan ma'lumotnoma.

Jamoalar namoyish etadigan spektakl ssenariysini tegishli Tashkiliy qo'mitaga kamida 5 kun oldin taqdim etishi lozim.

Festival g'oliblari Hakamlar hay'ati tomonidan 10 ballik tizimda, quyidagi mezonlar asosida aniqlanadi:

- ijro mahorati va uslubi;

- asar matnining mukammalligi va ta'sirchanligi;

- sahna harakati (artistizm);

- kiyinish madaniyati (imidj);

- jamoalarning badiiy chiqishlari va sahnaviy ko'rinishlarini tayyorlashda o'ziga xosligi, milliyligi, mazmundorligi, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar mohiyatining o'ziga xosligi va xalqchil tarzda ochib berilishi.

Hakamlar tomonidan berilgan ballar Festival yakunida umumlashtiriladi. Eng yuqori ball

to'plagan jamoalar nominatsiyalar bo'yicha taqdirlanadi.

Festivalda 1-o'rinni egallagan jamoa tegishli Hay'at yig'ilishining bayoni asosida keyingi bosqichda ishtirok etish huquqini qo'lga kiritadi.

Festival g'oliblari va sovrindorlari esdalik sovg'alari va diplomlar bilan taqdirlanadilar. Respublika bosqichida eng yuqori ball to'plagan jamoa “Eng yaxshi spektakl” nominatsiyasini qo'lga kiritib festival g'olibi hisoblanadi va “Prezident sovg'asi” taqdim etiladi.

Festival ishtirokchilari quyidagi nominatsiyalar bo'yicha taqdirlanadilar:

“Eng yaxshi spektakl” – tanlangan asarning badiiy-g'oyaviy talqini va yechimi, sahna bezagi, musiqiy ifodasi, kiyim, rekvizit va boshqa vositalardan foydalanish imkoniyati.

Havaskor ijrochi aktyorlarning mahorat darajasi umumiy birlikda ko'rib chiqiladi.

“Dolzarb mavzuning sahnaviy talqini uchun” – sahna asari ijtimoiy hayotimizda sodir bo'layotgan hodisalar, dolzarb muammo va masalalar, ayniqsa yoshlar hayotini aks ettiruvchi mavzuga boy, badiiy jihatdan yaxlit sahnaviy talqinga ega ekani, ko'tarilgan muammoning dolzarbligi, jamoa taklif etayotgan yechimning ijobiyligi e'tiborga olinadi.

“Milliy an'ana va qadriyatlarini tarannum etgani uchun” – tanlangan

asarda xalqimizning boy madaniy merosi, urf-odatlari, an'ana va qadriyatlari, xalq og'zaki ijodiyoti namunalari bilan foydalanilgan, musiqiy va plastik-raqs harakatlari, ijrochilik mahorati, sahna asari adabiy turning doston, afsona, asotir va boshqa janrlari asosida tayyorlangan, sahna qoidalariga moslangan, kompozitsion to'laqonli folklor tomoshasi darajasida ekani inobatga olinadi.

“Eng yaxshi erkak roli uchun” – havaskor aktyorning ijrochilik darajasi, dramatik qobiliyati, xarakterini aks ettiruvchi plastik imkoniyati, nutq madaniyati, ovoz diapazoni umumiy birlikda namoyon bo'lishi.

“Eng yaxshi ayol roli uchun” – havaskor aktyorning ijrochilik darajasi, dramatik qobiliyati, xarakterini aks ettiruvchi plastik imkoniyati, nutq madaniyati, ovoz diapazoni umumiy birlikda namoyon bo'lishi.

“Eng yaxshi teatr studiyasi rahbari” – talabalar teatr studiyasi faoliyatini yo'lga qo'yishdagi tashkilotchilik ishlari, oliy ta'lim muassasasidagi qobiliyatli yoshlarni izlab topish, sahna asarlarini badiiy va g'oyaviy jihatdan to'g'ri tanlash, sahnalashtirish jarayonida barcha ta'sir vositalaridan foydalanish imkoniyatlarini yaratish, sahna mutaxassislarini ijodiy jarayonga jalb etish, shuningdek, talabalar teatr studiyasida ijodiy muhitni yaratish iqtidori e'tiborga olinadi.

“YOSHLAR CHOLG'U ANSAMBLARI VA ORKESTRALARI” FESTIVALI

“Yoshlar cholg'u ansambllari va orkestrlari” festivali – ta'lim muassasalarida tashkil etilgan jamoalar o'zbek milliy, damli, torli, estrada va simfonik cholg'u orkestr va ansambllari o'rtasida an'anaviy va akademik yo'nalishlarda o'z san'atini namoyon etadi.

Festival quyidagi yo'nalishlarda tashkil etiladi:

– o'zbek milliy cholg'u (an'anaviy va akademik) ansambli;

– damli, torli cholg'u ansambli;

– estrada cholg'u ansambli;

– o'zbek milliy cholg'u orkestri;

– damli, torli cholg'u orkestri;

– simfonik cholg'u orkestri.

Ansambli va orkestr ishtirokchilari birinchi guruhda 7 yoshdan 13 yoshgacha, ikkinchi guruhda 14 yoshdan 20 yoshgacha qatnashadi.

Ular ixtiyoriy ravishda quyidagi yo'nalishlarda o'z iste'dodlarini namoyish etishlari mumkin:

– o'zbek xalq kuylari;

– orkestr yoki ansambli jo'rligidagi yakkaxon asarlar;

– jahon kompozitorlari asarlari.

Ansambllar tarkibida cholg'ularning quyidagi turlari bo'lishi mumkin:

– bir turdagi cholg'ular – duet,

trio, kvartet, kvintet va h.k.;

– aralash tarkibda – urma cholg'ular qo'shilgan holda.

Festival g'oliblari Hakamlar hay'ati tomonidan 10 ballik tizimda, quyidagi mezonlar asosida aniqlanadi:

– ijro mahorati va uslubi;

– asar matnining mukammalligi va ta'sirchanligi;

– sahna harakati (artistizm);

– sahna libosi (imidj).

Hakamlar tomonidan berilgan ballar Festival yakunida umumlashtiriladi. Eng yuqori ball to'plagan ishtirokchilarga barcha yo'nalishlar bo'yicha 1-, 2- va 3-o'rinlar beriladi.

Festival yo'nalishlari bo'yicha 1-o'rinni egallagan g'oliblar tegishli Hay'at yig'ilishining bayoni asosida keyingi bosqichda ishtirok etish huquqini qo'lga kiritadi. Yo'nalishlar bo'yicha munosib nomzodlar topilmagan taqdirda, keyingi bosqichga nomzodlar tavsiya etilmasligi mumkin.

Festival g'oliblari va sovrindorlari esdalik sovg'alari va diplomlar bilan taqdirlanadilar. Respublika bosqichida barcha yo'nalishlar orasida eng yuqori ball to'plagan ishtirokchi Oliy o'rin (gran-pri) sohibi hisoblanadi va “Prezident sovg'asi” taqdim etiladi.

Festival tashkilotchilari

O'zbekiston yoshlar ittifoqi, Madaniyat vazirligi, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Xalq ta'limi vazirligi, Yozuvchilar uyushmasi,

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari.

“Yoshlar festivallari” haqida batafsil ma'lumotni O'zbekiston yoshlar ittifoqining hududiy kengashlaridan olish mumkin.

Axborot hamkorlari: “Yoshlar”, “Mening yurtim” telekanallari, “Yoshlar ovozi” va “Молодежь Узбекистана” gazetalari

BAYRAM SHUKUNI

НАВРЎЗ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ

Кўклам. Қир-адир, тоғлар этаги садафдек сочилган бойчечакларга тўла. Дара ва ўнгирлардан сакраб тушаётган оби раҳмат, тошдан-тошга урилиб, шўх куй чалади. Шоир сўз тўқийди:

“Ўнгирларда сакрайди оху,
Намтакада савва
миттижон.
Қорликлардан сипқорилган
сув,
Дараларда уради жавлон.
Нигоҳидан фақат сен
пинҳон,
Сен баҳорни
соғинмадингми?...”

Баҳорни соғинмай бўлади-ми? Қишга исён кўтариб, бойчечакка пешвоз чиқмаслик мумкинми?! Тош ёриб, дийда ёриб унган беҳолгина чечак исини юборган баҳор мужассини қандай қилиб хотиржам ҳис этиш мумкин? Зеро, у беорликка даъват, ахир! Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак иродаси бани одамга ибратдир!

Одатда, қадимдан ўғил болалар қор кетган ўнгирларда очилган бойчечаклардан гулдаста ясаб, бойчечак қўшигини куйлаганча уйма-уй кириб чиққан. Кексалар бойчечакни кўзларига суртиб, болаларга нон, қана, ширинлик ҳаёя этган.

Унинг қадим туркий тилдаги атамаси “бой” (муқаддас, дав-даста ясаб, бойчечак қўшигини куйлаганча уйма-уй кириб чиққан. Кексалар бойчечакни кўзларига суртиб, болаларга нон, қана, ширинлик ҳаёя этган.)

— Ер пишдиби, — дейди у тупроқни бир хиллаб олиб. — Болалар бекорга бойчечак қўшигини айтмайди-да, ахир.

Кейин кеча кечқурун болалар қўшиқ айтиб келган пайтда улар келтирган бойчечакни юз-қўзларига сурта туриб билдирган тилкаларини яна пичирлаб такрорлайди:

— Омонлик, омонлик, ҳеч қурмайлик ёмонлик, янаги шу кунларга эсон-омон етайлик! Оғирлигим ерга, енгиллигим ўзимга!

У шундай деб она ер узра енгил бир-икки сакрайди. Сўнг қадам босиб: “Бомом раҳматли “Баҳоройни кўрганам”, деб

кўп гапирарди, қанийди, менга ҳам учраса, — дейди ўзига-ўзи. Шу чоқ бир шарпа лип этиб ўтгандек бўлади. Бободехқон атрофга аланглаб қарайди. Қараса, худди бобоси кўп таърифлаган ним пушти ҳарир матоан кўйлак кийган Баҳорой. Қўлларидан оппоқ гулли новда. Уни кўтарганча далалар узра ялангоёқ чопиб борапти. Новдани қайси дарахтга тек-кизса, уша дарахт шу заҳотиёқ ғула бурканар, оёғи етган жойлар кўм-кўк майсалар, бойчечакчу чўчомалар билан қопланар, боши узра Лайла-тўлақадар учиб юрарди.

— Бобо-о-о!
Олга чопиб келган на-бираси қақирғидан хушига келган деҳқон, унга кўрганлари ҳамда билган удумлари ҳақида ҳикоя қилиб кетади...

“ҚОЗОН ТЎЛАИ”

Бу соф оилавий, ўзбекона удум. Азалдан ҳар бир хонадон аҳли имкониятига яраша тан-сиқ таомлар — палов, кўк сомса, бугирсоқ тайёрлаган. Ўтган аждоғлар ҳақида “ис” чиқарилган. Илагари ана шу “ис” ёғи билан кўшга қўшилгандан ҳўкизларнинг шохлари мойланган. Шу каби оқшомда тайёрланган таомлар ва пиширилган ҳўзир ҳам кўни-кўшилларга, қариндош-уруғларга улашилади. Йил баракали келсин, рўзгоримиздан кут-барақа аримасин, деган эзгу ниятда ҳамма идишлар сувга тўдирилади. Кечаси билан кўпчилик бўлиб сумалак ва ҳалим пиширилади. Қиз-жу-вонлар, бўйи етган йигитлар яхши ниятлар қилиб, ўчоқларга ўтин қалайди...

“Қозон тўлаи”нинг яна бир аҳамияти шундаки, таом дошқозонларда тайёрланган. Чунки оммавий маросимлар чоғида таом тайёрланадиган дошқозонлар эл-юртни бир-лаштирган, ўзаро ҳамжиҳатлигини оширган.

“ҚУШ ҚАЙИ”

Халқимиз орасида деҳқончилик билан боғлиқ юмушларни бажариш мўддатлари кўзда иссиқ ўлкаларга қишлоқ учун учиб кетадиган мавсумий қўшларнинг эрта баҳордан юртимизга қайтиб келиш вақтига қараб ҳам белгиланган. Тажрибали деҳқонлар ҳар йили баҳорда қўшлар учиб келадиган вақтда об-ҳавода муайян

ўзгаришлар содир бўлади, деб ҳисоблайди. Ҳатто, мавсумий қўшларнинг кўклама қайтиб келиши мўддатларига асосланган ўзига хос халқона тақвим ҳам юзага келган бўлиб, бу “қуш қайи” ёки “долга ҳисоби” деб юрйтилади.

“Қуш қайи” ҳисоби ҳар йили тахминан 10 февралдан кейин “сарисаманак”, яъни “чой” номи қўшларнинг учиб келиши билан бошланган. Маълум бўлишича, “чой” февраль ойининг охирида, қор аралаш ёмғир ёғиб турадиган кунлари келадиган калхатайр. Бу қўшнинг овозини эшитган деҳқон яқин кунлар ичида ҳаво жунашиб кетишига амин бўлиб, экиш олди юмушларини бажаришга киришиб кетган. Баъзан баҳор эрта келган йиллари айрим эртапишар экинларни экиш ҳам шу “қуш қайи”дан бошланган.

“Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади”, дейди деҳқонларимиз. Бу қўшлар тўп-тўп бўлиб ўйин-рақсга тушса, кун исийди, қиңқирса, ёмғир ёғади, деб таъбир қилинади. Тажрибали деҳқонларнинг кўп йиллик кузатувларига қараганда, қўзда турналар баланд учса, куз узоқ вақт давом этади. Улар барвақт ва пастлаб учиб кетса, қиш қаттиқ келармиш.

“ЕТТИ КЎКАТ”

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Аму соҳилларида яшаган қадимий хоразмликлар илк баҳор шабадаси эса бошлаган дамларда Янги йил байрами — Наврўзн нишонлаган. Байрам дастурхонини етти хил кўклатдан тайёрлаган неъматлар билан безатган.

Ҳўзир ҳам юртимизнинг айрим қишлоқларида Наврўз кунлари сумалак пишириладиганда етти хил кўклатдан сомса пишириш удуми бор. Кексаларнинг хотирлашича, илагари эзининг обрўли кишиларидан бири — хунарманда ва қосиблар оқсоқоли етти хил неъмат солинган патинсини кўтариб юриб, халққа Наврўз байрамни шодиёналари бошланганини маълум қилган. Ҳатто, “етти син”, яъни етти хил таом пишириш анъанасидан бири — сумалакни пиширишда ҳам еттиликка амал қилинган. Ҳўзир ҳам ундирш учун ивтиб қўйилган бугдой етти кун тахтачага ёйиб қўйилади. Етти кундан сўнг ушиб чиққан майса



АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ АЙЁМ



Фаррух ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

Қадим туркий халқлар дунёқарашини ўлиб-тирилувчи табиат тўғрисидаги қарашлар белгили ўрин тутди. Аждоғларимиз ҳамма нарсани жонли мавжудот сифатида қабул қилган.

авжига чиққан, сўнгра кучи қирқилиб борган... Кўпқари (асли кўк бўри) ўйини қишда ўтказилиши ва чавандозлар тортиқлаши учун улоқ (эчки) ташланшининг сабаби шу аснода ойдинлашади.

Қадим дунёқарашимизга кўра, йилда тўрт марта (баҳорги тенгкунлик, энг узун кун, кузги тенгкунлик, энг узун тун муносабати билан) катта байрам қилинган, махсус маросимлар ўтказилган. Бироқ улар орасида асосийси Йилбоши — Наврўз саналган. Кейинги айёмлар эса, вақт ўтиши билан бошқа кўринишга кўчган ёки аста-секин унутилиб борилган. Ҳўзир ҳам Ҳосил байрами, Янги йил байрами (гарчи кейинчалик бошқа халқлар таъсирида урғга кирган бўлса-да) ўша унутилган маросимлар ўрнини тўдириб, инсон табиатидаги қишқи тантанана эҳтиёжини қаноатлантириб турилади.

Аждоғларимиз камида 10-15 минг йил илагари, балки ундан ҳам олдин само кузатувларини тизим-

ли равишда олиб борган, дейишга асос бор. Қашқадарё вилоятидаги Сийпантош манзилида қояларга муҳраган қадимий чизиларда ой кунлари акс этгани айтилмоқда. Туркийлар антик даврлардан бошлаб фойдаланиб келадиган тақвим — мўчал ҳам асрий тажрибаларга таяниб тузилгани аниқ. Юпитер, Сатурн каби сайераларнинг Кўеш атрофида айланган даври ҳақида етарли илмга эга бўлган ота-боболаримиз кун ва тун тенглашган пайтни аниқ ҳисоблашга мумкин эмасди. Тарихчи олим Кевин Алан Брук “Ҳазар жуҳудлари” китобида ёзишича, Фарбий турк ҳўқонлиги вориси бўлмиш Ҳазар ҳўқонлигида (650 — 969 й.й.) Янги йил байрами Улуғ кун деб аталган ва айнан 21 мартга тўғри келган.

Йилбоши — Наврўзнинг кўҳна илдизлари ҳақида гап кетар экан, сиз, азиз газетхонларга қисқа-ўнда қилиб тушуниришга интилимимиз — ўлиб-тирилувчи табиат концепцияси энг тўғри ва аниқ жавоб бўла олади. Бошқа афсонаю нақълар ушбу дунёқараш негизиде яратилган. Негаки, инсон азалдан образли та-факкурга мойил бўлиб, ҳақиқат бироқ ҳўқонини англаши учун ташбеҳу тимсолларга, ўхшатиш қиёсаларга эҳтиёж сезади.

Йилбоши — Наврўз яқинлашган сайин оммавий ахборот воситаларида, айнакча, ижтимоий тармоқларда урчиб кетадиган ҳар хил даввою илдооларга қарата айтиш мумкин-ки, бу байрамни турлича ёндашувлар — аниий, миллий, мафқуравий таъниқлардан мутлақо холи равишда, табиатнинг янгилигини, яшарлиқ айёми, шўху гадо орасидаги тенглик ҳамда турфа эътиқод ва этносга мансуб кишилар ўртасидаги бағрикенглик тантанаси сифатида нишонлаш зарур. Зотан, асрлар мобайнида шундай бўлиб келган.

Сайил ўзгача ўтди

Аҳам ЖўРАЕВ

Олмалик шаҳрида Тошкент вилояти аҳли Наврўз байрамини катта тантана билан нишонлади. Халқ сайиллари “Олтин олма” хибони, Ёшлар боғи, “Болажон” истироҳат маскани ҳамда шаҳарнинг барча марказий кўчаларида ташкил этилиди.



Вилоятнинг 22 ҳудудидан ташриф буюрган меҳмонлар қарнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. “Олтин олма” хибониде миллий таомлар намойиши бўлиб ўтди. Сумалак, ҳалим, кўк сомсаю чўчвара, лочира, қатламаю чак-чаклар, ҳол-ва ҳамда ширмой нонлар халққа улашди. Катта дошқозонда 5,5 тонна ош дамланди, 48 минг кишига тарқатилди. Бир томонда, дорбоз-

кўрпа қавиётган момолар, гиламдўзу қуроқчиларнинг қўл ишлари билан ҳам кўпчилик баҳраманд бўлди. Ёш раҳомлар, қандақорлар, наққошу ҳайкалтарошлар яратган бетакрор санъат намуналари ҳам сайил иштирокчиларига манзур бўлди.

Саҳнада халқ ансамбллари вакиллари лапар ва уланлар айтиб, аския ва айтишувлар билан элга кулгу улашди. Кўғирчоқ театри томошаларини айтмайсизми.

“Болажон” истироҳат боғидаги байрам ҳам бундан қолмагани йўқ. Айнакча, китобхонлар танлови барчада катта таассурот қолдириди. Баҳорини шўх қўшиқлар даврага ўзгача файз киритди. Наврўз сайилларида минглаб юртошларимиз мириқиб дам олди.



Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА

Кўкламнинг энг гўзал айёмини қорақалпоқ ёшлари ҳам кўтаринки руҳда қарши олди. Нукус шаҳридаги Ёшлар маркази атрофида улар учун байрам шодиёнаси ташкил қилинди.



Қувончга тўлди қалблар

Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашининг бадий тўғрисида ёшу қарига беҳисоб завқ-шавқ улашди. Ёшлар маркази тўғрақлари аъзолари иштирокидаги шахмат мусобақаси, мавзуга доир расмлар танлови, китоблар кўргазмаси, шунингдек, бир-бирдан қизиқарли викториналар ҳеч қимни бефарқ қолдирмади.

— Китоб — беминнат дўст, болаликдан у билан ошноман, — дейди тадбирда қатнашган тенгдошларимиздан бири Динара Бегдуллаева. — Мен анчадан бўён Ёшлар марказидаги кутубхонага аъзоман. Бадий асарлар билан бирга, тарихий-оммабоп адабиётларни ҳам

кўп мутолаа қиламан. Бугунги байрам сайида ташкил этилган викторинада илмсеварлигим сабаб голиб бўлдим. Совғасига ажойиб китоб беришди.

Марказда яқиндагина фаолият бошлаган “Жаслар ансамбли” аъзоларининг байрам концерти сайига ўзгача файз киритиб, барчани рақсга чорлади.



